



Раҳмлиларга Раҳмон бўлган Зот раҳм қилади. Ердагиларга раҳм қилинг. Сизга осмондаги Зот раҳм қилади», - деганлар

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Раҳмлиларга Раҳмон бўлган Зот раҳм қилади. Ердагиларга раҳм қилинг. Сизга осмондаги Зот раҳм қилади», - деганлар».

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқаларга раҳм қиладиган инсонларни қилган ишларига мувофиқ равишда Аллоҳ таоло барча нарсани ўраб олган раҳмати билан раҳм қилишини баёнладилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ер юзидаги инсон, хайвон, қуш ва бошқа барча нарсаларга раҳм қилишга буюрдилар. Бунинг мукофоти Аллоҳ таолонинг етти қават осмон устидан уни раҳм қилишидир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/8289>

